

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА ЛУТФИЯ БАТИРОВНА**

**А.Г. СЕРЕБРЕННИКОВ ТЎПЛАМИДА  
ТУРКИСТОН ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (1839-1876 ЙИЛЛАР)**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the Doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Қодирова Лутфия Батировна**

А.Г. Серебренников тўпламида Туркистон тарихи масалалари

(1839-1876 йиллар) .....3

**Қодирова Лутфия Батировна**

Вопросы истории Туркестана в сборнике А.Г. Серебренникова

(1839-1876 гг.) .....27

**Kodirova Lutfiya Batirovna**

Problems of the history of Turkestan in the collection of A.G. Serebrennikov

(1839-1876) .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА ЛУТФИЯ БАТИРОВНА**

**А.Г. СЕРЕБРЕННИКОВ ТЎПЛАМИДА ТУРКИСТОН ТАРИХИ  
МАСАЛАЛАРИ (1839-1876 ЙИЛЛАР)**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.(PhD) /Таг412 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tarixinstituti.uz](http://www.tarixinstituti.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шадманова Санавар Базарбаевна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Дониёров Алишер Худойбердиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
**Эргашев Бахтиёр Эргашевич**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй, Тарих институти. 2-қават, Мажлислар зали.) Тел: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91 e-mail: info@uzhistory.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Азамат Зиё**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

**М.Х. Пайзиёва**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.н.

**Н.А. Аллаева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги муҳим тарихий жараёнларни ҳаққоний очиб беришда архив ҳужжатларига таяниш ва махсус ҳужжатшунослик йўналишини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда. Бу борада дунёнинг кўплаб мамлакатлари тарихига доир қимматли ҳужжатларни жамлаган Ўзбекистон Миллий архив жамғармаси манбашунос мутахассислар ва тарихчиларнинг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда.

Дунёнинг қатор илмий марказларида XIX асрда дунёнинг геосийосий қиёфасининг ўзгаришига сабаб бўлган жараёнлар кечган ҳудуд сифатида Туркистон тарихига оид ҳужжатли манбаларни ўрганиш, улар асосида империяларнинг кучайиши ва парчаланишининг назарий жиҳатларини аниқлаш ҳамда мустамлака ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги зиддиятларни очиб бериш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда. Шу боис, Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва мустамлакага айлантирилишига доир қимматли ҳужжатларни тадқиқ этиш, айниқса, сўнгги йилларгача “махфийлик” тамғаси остида сақланиб келган йиғма жилдлардаги муҳим тарихий маълумотларни илмий муомалага киритиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг кўлга киритилиши тарихимизни бирламчи манбаларга таянган ҳолда янгича ёндашувлар асосида тадқиқ этиш имконини берди. Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистонда архив манбаларини саралаш, илмий қимматини аниқлаш, муомалага киритиш, архив меросини халқаро миқёсда оммалаштиришга қаратилган тадбирлар кўлами кенгайиб бормоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Миллий архивининг қимматли ва аксарият ҳужжатлари узок йиллар мобайнида “махфийлик” тамғаси остида сақланиб келган “А.Г. Серебренников тўплами”ни тарихшунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳукумат томонидан тарихчилар олдига қўйилган “маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчиларнинг тарихий манбалар билан ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ёш авлодни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш”<sup>1</sup> каби вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ 5834-сон “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ 2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ 2789-сон Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2995-сон қарори. [Электрон ресурс:] <https://lex.uz/docs/3211987>

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуни ёритишга доир илмий тадқиқот ишлари ва адабиётларни тўрт гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ: 1) Россия империяси ҳукмронлиги даври нашрлари; 2) совет даври изланишлари; 3) мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар; 3) МДҲ мамлакатлари ва хорижда амалга оширилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга оид тадқиқотлар сони чекланган бўлиб, тўпламнинг нашр этилган жилдлари хусусидаги илк маълумот библиограф В.Д. Городецкий томонидан эълон қилинган<sup>2</sup>. Академик В.В. Бартольд илк бор ушбу нашрга илмий жиҳатдан баҳо берган<sup>3</sup>.

Совет даврида мазкур тўплам ҳақида маълумот берилган илк нашрлар қаторига Н.Я. Виткиндининг библиографиясини<sup>4</sup> киритиш мумкин. Е.Н. Кушева ўз мақоласида тўплам ҳужжатларига археографик ишлов берилиши хусусида айрим танқидий фикрлар билдиргани ҳолда, уни муҳим манба сифатида эътироф этган<sup>5</sup>.

Л. Мирзаеванинг номзодлик диссертациясида тўпламнинг яратилиш тарихи ва муаллифга оид маълумотлар ва унинг тарихшуносликдаги аҳамияти ёритилган<sup>6</sup>. Шунингдек, совет даврида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон тарихига бағишланган фундаментал асарларда Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олинishiга оид архив жамғармаси ва нашр этилган тўплам ҳужжатларидан фойдаланилган<sup>7</sup>.

<sup>2</sup> Городецкий В.Д. Библиография Туркестана: география, история, минералогия, геология, палеонтология, ботаника, зоология, минералогия, астрономия, этнография, антропология, медицина, ветеринария и сельское хозяйство / Сост. В.Д. Городецкий при участии М.Н. Городецкий. – Ташкент: Типо-Литография В.М. Ильина, 1913. – С. 44.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестанский край летом 1916 г. / Известия Императорской Академии Наук. – Петроград: Тип. Имп. АН, 1916. – С. 1239-1242; Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан. Август-декабрь 1920 г. Приложение к протоколу заседания отделения Исторических наук и Филологии 29 июня 1921 г. – М., 1921. – С. 192-193; Ўша муаллиф. История изучения Востока в Европе и России // Сочинения. Т. IX. – М: Наука, 1977. – С. 447-448; Ўша муаллиф. Туркестанская государственная библиотека и местная мусульманская печать // Там же. – С. 558-559.

<sup>4</sup> Виткин Н.Я. Библиография по Средней Азии: указатель литературы по колониальной политике царизма в Средней Азии. – М., 1929. – С. 85-86.

<sup>5</sup> Кушева Е.Н. Об одной дореволюционной публикации документов по истории Средней Азии // Проблемы источниковедения. – М., 1940. Сб. 3. – С. 409-421.

<sup>6</sup> Мирзаева Л. Сборник «Туркестанский край» А.Г. Серебренникова и его значение для среднеазиатской историографии. Дис. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1963. – 227 с.

<sup>7</sup> История народов Узбекистана. Под. Ред. С.В. Бахрушина, В.Я. Непомнина и В.А. Шишкина. Т.2. – Ташкент: Из-во АН УзССР, 1947. – 514 с.; Материалы по истории политического строя Казахстана (со вре-

Н.А. Халфин архив жамғармаси материалларининг аҳамиятини юқори баҳолаган, Туркистондаги рус-инглиз рақобати ҳамда Россия ва Буюк Британия империяларининг мустамлакачилик сиёсатини таҳлил қилишда ушбу маълумотлардан кенг фойдаланган<sup>8</sup>.

Тадқиқотчилар М.А. Бабаходжаев, А.Р. Муҳаммаджанов, Т.Н. Неъматов, Е.Б. Бекмаханов, А.М. Аминов, А.Х. Бабаходжаев, Х.Ғ. Ғуломов, В.М. Плоских, Л. Дергачева<sup>9</sup> ва бошқалар Россия империяси томонидан Туркистоннинг забт этилиши даврини ёритишда А.Г. Серебренников тўплами материалларидан кенг фойдаланганлар. Бироқ, муаллифлар тўпلام материалларидан ўзлари баён этаётган тарихий жараёнларни далиллаш учун фойдаланиш билан чекланганлар, тўпلام ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиб, уларнинг манбавий қийматига баҳо беришни мақсад қилиб олмаганлар.

Мустақиллик даври тарихшунослигида А.Г. Серебренников тўпلامининг архивда сақланаётган ва нашр этилган материалларига мурожаат қилинган тадқиқотларнинг кўпайганлиги кузатилади. Бу даврда Туркистон тарихи ва унинг Россия империяси томонидан босиб олинишига оид изланиш олиб борган маҳаллий тадқиқотчилар тўпلامга мурожаат этганлар<sup>10</sup>.

Архив жамғармаси ҳужжатлари Ўзбекистон ва Россия олимлари ҳамкорлигида тайёрлаган монографиядан жой олган<sup>11</sup>.

А.Г. Серебренников тўпламида МДХ давлатлари тарихига оид муҳим маълумотлар мавжудлиги боис, кўшни давлатларнинг тарихчилари ҳам ундан кенг фойдаланганлар<sup>12</sup>.

Қозоғистонлик тарихчи Б.С. Айтаев ўз номзодлик диссертацияда жамғарма материаллари асосида қозоқ қабилаларининг кўшни Туркистон хонликлари ва Россия империяси билан муносабатларини, қозоқ халқининг миллий - озодлик қўзғолонлари тарихини таҳлил қилган<sup>13</sup>.

---

мени присоединения Казахстана к России до Великой Октябрьской революции). Т. 1. – Алма-Ата: Изд-во АН Казахской ССР, 1960. – 440 с.; История Казахской ССР (с древнейших времен до наших дней). Т. III. Присоединение Казахстана к России. Социально-экономические отношения. Революционное и национально-освободительное движение в канун Великого Октября. – Алма-Ата: Наука КазССР, 1979. – 544 с.; Присоединение Туркмении к России. Сборник архивных документов. Под ред. А.Ильсова. – Ашхабад: Изд-во АН Туркменской ССР. – 823 с.; Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии. Ч.1. 1715-1856. – Ташкент: Изд-во САГУ, 1955. – 82 с.

<sup>8</sup> Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857-1868). – М.: Изд-во Восточной литературы, 1960. – 270 с.; Ўша муаллиф. Присоединение Средней Азии к России (60-70-е годы XIX века). – М.: Наука, 1965. – 468 с.; Ўша муаллиф. Провал британской агрессии в Афганистане (XIX начало XX вв.). – М.: Соцэкгиз, 1959. – 210 с.; Ўша муаллиф. Россия и ханства Средней Азии. (Первая половина XIX века). – М.: Наука, 1974. – 512 с.; Назирова Н.Н. Центральная Азия в дореволюционном русском востоковедении (деятельность Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии). Автореф. дис. ... кан. ист. наук. – М., 1984. – 215 с.

<sup>9</sup> Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида ўз аксини топган.

<sup>10</sup> Мазкур асарлар тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида берилган.

<sup>11</sup> Туркестан в имперской политике России: Монография в документах / Отв. ред. Т.В. Котюкова. – М.: Кучково поле, 2016. – 880 с.

<sup>12</sup> Ушбу тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида берилган.

<sup>13</sup> Айтаев Б.С. Архив А.Г.Серебренникова – исторический источник по изучению колониальной политики царской России в Туркестанском крае (1840-1870 гг). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Алма-Аты, 2007. – 28 с.

Бир қатор қозғоғистонлик тарихчилар Россия империясига қарши Кенесари Қосимов бошчилигидаги кўзғолон тарихини ёритишда кўп бора тўплам ҳужжатларига мурожаат қилган<sup>14</sup>.

Шунингдек, россиялик олимларнинг тадқиқотларида ҳам А.Г. Серебренников тўпланининг нашр этилган ва архивда сақланаётган маълумотларига мурожаат этилган, аммо уларда масалага тарихий – далилий ёндашув билан чекланилганлиги кузатилади<sup>15</sup>.

Мавзуга оид хорижий тадқиқотларда<sup>16</sup> ҳам тўплам ҳужжатларидан кенг фойдаланилган. Жумладан, С. Горшенина<sup>17</sup> тўпланининг яратилиш тарихи, Фулжанинг босиб олинишини тўпланининг ноёб ҳужжатлари асосида ёритиб берган.

Буюк Британиялик олим А.С. Моррисон ҳам ўз тадқиқотларида ушбу тўпланининг нашр этилган ва нашр этилмаган материалларига мурожаат этган ва жамғарманинг яратилиш тарихига қисқача тўхталиб ўтган<sup>18</sup>. Юқоридаги ҳар икки мақолаларда ҳам тадқиқот мавзуси тарихшунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан етарлича ёритилмаган.

Умуман олганда, мазкур мавзу тарихшунослигининг таҳлили “А.Г. Серебренников тўплами” ҳужжатлари манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилмаганлигини кўрсатиб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Гулистон давлат университети илмий тадқиқот режаси доирасида АИФ 1/2 рақамли “Олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришда кластерли ёндашув: Гулистон давлат университети ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимида “Ўқув-илмий комплекс” ташкил

---

<sup>14</sup> Кусаинова Ж.Д. Историография национально-освободительного движения под предводительством Кенесары Касымова (1837-1847 гг.). Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Алматы, 2000. – 29 с.; Асеев А.А. Политика России в отношении восстания Кенесары Касымова 1837-1847 гг.: Региональный аспект. Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Барнаул, 2004. – 23 с.; Қазақ ұлт-азаттық қозғалысы. 9-шы Т. Кенесары ұрпақтары мұрағат құжаттарында: Құжаттар мен материалдар жинағы. – Алматы: Ел-шежіре, 2008. – 336 б.; Дильмухамедов Е.Д. Восстание казахов под руководством Кенесары Касымова в 1837-1847 гг. – Алматы, 2010 г. – 200 с.; Касымбаев Ж. К. Последний поход хана Кенесары и его гибель (дек. 1846 – апр. 1847 гг.) – Алматы: Ана тілі, 2010. – 200 с.

<sup>15</sup> Ушбу муаллифларнинг асарлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар диссертация матнида келтирилган.

<sup>16</sup> Mackenzie D. Expansion in Central Asia: St. Petersburg vs. the Turkestan Generals (1863-1866) // Canadian – American Slavic Studies, III. – № 2, 1969. – P. 2286-311; Becker S. Russia's Protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865-1924. – Cambridge, Mass.: Harvard University Press, 1968. – XIV, – 416 p.; Brower D. Turkestan and the Fate of the Russian Empire. – New York: Routledge Curzon, 2003. – XXIV, – 213 p.; Marshall A. The Russian General Staff and Asia (1860-1917). – London: Taylor & Francis Group, 2006. – 264 p.; Brower D.R., Lazzarini E.J. Russia's Orient: Imperial Borderlands and Peoples, 1700 – 1917 (Indiana-Michigan Series in Russian and East European Studies). – Bloomington, IN: Indiana University Press, 1997. – 368 p.; Allen J. Frank. Bukhara and the Muslims of Russia: Sufism, Education, and the Paradox of Islamic Prestige. – Leiden and Boston, MA, Brill, 2012, – 215 p.

<sup>17</sup> Gorshenina Svetlana, *Asie centrale. L'invention des frontières et l'héritage russo-soviétique.* – Paris, CNRS Éditions, 2012, – 381 p.; Ўша муаллиф. Крупнейшие проекты колониальных архивов России: утопичность тотальной Туркестаники генерал-губернатора Константина Петровича фон Кауфмана // *Ab Imperio.* 2007. – № 3. – С. 291- 354; Ўша муаллиф. Теория “естественных границ” и завоевание Кульджи (1870–1871 гг.): автопортрет российских военно-дипломатических элит Санкт-Петербурга и Туркестана // *Ab Imperio.* 2014. – № 2. – С. 102- 165.

<sup>18</sup> Morrison A. Russia, Khoqand, and the search for a “natural” frontier, 1863–1865 // *Ab Imperio,* 2014. № 2. – P. 165-192; Ўша муаллиф. The ‘Turkestan Generals’ and Russian military history // *War in History.* 2018. V. 26. – P. 1153-184.



этиш” мавзусидаги лойиҳа, шунингдек Тарих институтида амалга оширилган ОТФ-1135 рақамли “XIX-XX аср бошларида ўзбек халқининг интеллектуал–маданий мероси: анъаналар ва трансформация жараёнлари” номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон миллий архиви 715-жамғармаси “А.Г. Серебренников тўплами”даги XIX асрда Россия империясининг Туркистонни босиб олиш стратегияси, унинг ўлкада юритган сиёсатига доир ҳужжатларнинг тарихий-манбавий моҳиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“А.Г. Серебренников томонидан “Туркистон ўлкасининг босиб олиниши тарихи” мавзусида ҳужжатлар нашри учун тайёрланган материаллар тўплами”нинг жамланиш ва нашр этилиш тарихини очиб бериш, ундаги ҳужжатларни туркумлаш ва таҳлил этиш;

тўпламдаги катта ҳажмли ҳужжатлар ва ёзишмаларнинг ахборот таҳлилини амалга ошириш, уларни ўз даврининг ижтимоий муҳити билан боғлиқликда ўрганиш;

Россия империяси ҳукумати ва идоралари вакилларининг тўплам ҳужжатларида акс этган Туркистондаги сиёсатига доир турлича фикрларини қиёсий ўрганиш ва масалага оид ёндашувларда содир бўлган ўзгаришларни кўрсатиб бериш;

Россия империясининг Туркистонда олиб борган ҳарбий ҳаракатларига оид ҳужжатлар таҳлили орқали уларнинг босқинчилик хусусиятини очиб бериш;

тўплам ҳужжатларидаги маълумотлар асосида Россия империясининг Туркистонга босқини арафаси ва ҳарбий ҳаракатлар даврида хонликлар билан дипломатик алоқаларини таҳлил қилиш;

Россия империясининг Туркистондаги маъмурий-бошқарув ва диний сиёсатига оид тўплам ҳужжатларини аниқлаш, таҳлил қилиш орқали ижтимоий-сиёсий соҳада бўлган ўзгаришлар, уларга таъсир қилган омилларни аниқлаш;

тўплам ҳужжатларидаги хонликларнинг савдо, қишлоқ хўжалиги, солиқ ва бошқа иқтисодий соҳаларга оид маълумотларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида А.Г. Серебренников томонидан ўз вақтида Россия империясининг турли архивларидан аниқланиб, жамланган ва ҳозирда Ўзбекистон МАда сақланаётган архив материаллари белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** архив жамғармасининг тарихи ҳамда Россия империясининг Туркистондаги ҳарбий ҳаракатлари ва бошқарув, ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан боғлиқ масалалар акс этган ҳужжатлар таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимлаштириш, ички ва ташқи белгиларига кўра таҳлил, қиёсий ва мантиқий таҳлил, миқдор ва мазмун таҳлили усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“А.Г. Серебренников тўплами” ҳужжатларида Россия империяси

сиёсатини оқловчи фикрлар алоҳида таъкидланса-да, ҳукумат кўрсатмаларига сўзсиз бўйсунувчи ҳарбийлар томонидан юритилган батафсил ёзма қайдлар ҳарбий юришларнинг асл “мустамлакачилик моҳияти”ни очиб беришда муҳим далил бўлиб хизмат қилганлиги ва шу боис мазкур жамғарманинг кўпчилик материаллари “махфий ҳужжатлар” сирасига киритиб келинганлиги асослаб берилган;

Туркистонни босиб олиш режаси Россия империясининг масъул идоралари ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилмагани аниқланиб, Ҳарбий вазирлик фаол ҳаракатлар тарафдори бўлгани ҳолда, Ташқи ишлар вазирлиги қарши, Молия вазирлиги эса, кўп ҳолларда, иккиланиш нуқтаи назарида турганлиги далилланган;

Россия империясининг Туркистон билан 1839-1876 йиллар оралиғидаги ўзаро дипломатик муносабатлари тадрижий равишда “савдодаги ҳамкорлик”дан “империянинг ўз ҳукмини ўтказиш” ҳолатига ўзгариб борганлиги очиб берилган;

империя ҳукумати Туркистонни босиб олиш жараёнида “ахборот хуружидан” усталик билан фойдаланганлиги, маҳаллий аҳолининг юз бераётган воқеаларга муносабатини ўрганиш, жамоатчилик фикри ва кайфиятига таъсир кўрсатишда “овозлар” ва “миш-мишлар” кучли йўналтирувчи восита сифатида қўлланилгани кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Миллий архивининг 715-жамғармасида сақланаётган 8151 та тарихий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, мазмунига кўра 8 та гуруҳга ажратилган ва 400 га яқини илмий истеъмолга киритилган;

тўпламда сақланаётган тарихий ҳужжатларнинг 20 дан ортиқ турлари аниқланиб, уларнинг тарихий-манбавий хусусиятлари очиб берилган;

тўплам ҳужжатлари ҳарбий тарих, дипломатика, тарихий географияга оид маълумотларга бой бўлиб, ўрганилаётган давр бўйича янги тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда тарих ва манбашунослик фанларида эътироф этилган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида сақланаётган кўп турдаги бирламчи ҳужжатлар<sup>19</sup>, маҳаллий манбалар, ўз даврининг муҳим манбаси ҳисобланган даврий матбуот материалларига<sup>20</sup> асосланилганлиги, кўп турдаги тарихий адабиётлар, бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг тадқиқотларидан фойдаланилганлиги, диссертацияда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Миллий архивининг 715-жамғармасидаги Туркистон тарихининг Россия империяси мустамлакачилиги

<sup>19</sup> Ўз МА. И-1-жамғарма. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси; И-336-жамғарма. Ҳарбий губернатор ва Туркистон вилояти кўшинлар кўмондони.

<sup>20</sup> “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети”.

даврига оид ҳужжатлар илк бор махсус тадқиқот объекти сифатида яхлит ёритилганлиги ва улар асосида Туркистоннинг мустамлака қилиниши, унинг асосий омиллари ва оқибатлари борасида янги илмий-назарий ёндашувларнинг илгари сурилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотга тортилган ҳужжатларнинг таҳлили асосида 715-жамғарманинг мукамал ва тўлдирилган рўйхати ишлаб чиқилган, шунингдек, хулосалар ва илмий-амалий тавсиялар Туркистон хонликларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, унинг Россия империяси томонидан босиб олинishi тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда, Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув муассасаларининг ижтимоий-гуманитар йўналишларида мустамлака даври бўйича махсус курслар ташкил этишга, ўқув қўлланмалар яратиш ва методологик ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** А.Г. Серебренников тўпламида Туркистон тарихи масалалари (1839-1876 йиллар) бўйича бажарилган тадқиқот юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Туркистонни босиб олиш режаси Россия империясининг масъул идоралари ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилмагани ва Ҳарбий вазирлик фаол ҳаракатлар тарафдори бўлгани ҳолда, Ташқи ишлар вазирлиги қарши, Молия вазирлиги эса, кўп ҳолларда иккиланиш нуқтаи назарида турганлигига ҳамда бевосита ҳарбий юришларга оид маълумотлардан Ўзбекистон тарихи музейининг “XIX-XX асрларда Ўзбекистон” бўлимини янги материаллар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 10 мартдаги 3/1255-700-сон маълумотномаси). Ушбу ҳужжатлар Россия ҳукуматининг Туркистондаги сиёсатига доир режа ва ҳарбий стратегиясини ўрганишга ва янги ижтимоий-сиёсий шароитларда уларга тўғри баҳо беришга хизмат қилган;

А.Г. Серебренников жамғармаси материаллари тадқиқотга оид натижалардан Ўзбекистон МАНинг И.715-жамғармаси рўйхатини қайта тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий архивининг 2020 йил 14 декабрдаги 01-26/505-сон маълумотномаси). Ўзбек тилида тузилган рўйхатда келтирилган жамғарманинг тарихий маълумотномаси, ҳужжатларнинг мазмуни асосидаги таснифи, исми ва географик кўрсаткичлари тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари ҳамда фойдаланувчилар томонидан мақсадли фойдаланишда, жамғарма ҳақида тўлиқ маълумот тақдим этишга илмий-амалий жиҳатдан хизмат қилган;

Россия империяси томонидан ўз сиёсатини оқлаш мақсадида яратилган ушбу тўплам ҳукумат кўрсатмаларига сўзсиз бўйсунувчи ҳарбийлар томонидан юритилган батафсил ёзма қайдлар туфайли ҳарбий юришларнинг асл “мустамлакачилик моҳияти”ни очиб беришда муҳим далил бўлиб хизмат қилиши ва шу боис мазкур жамғарма “махфий ҳужжатлар” сирасига киритиб келинганлигини асословчи маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг “А.Г. Серебренников жамғармаси – Туркистон

хонликлари даври тарихи бўйича муҳим манба” мавзусидаги сонини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 11 ноябрдаги 02-40-2353-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши ушбу жамғарманинг яратилишидан мақсад босиб олинган ҳудуд ҳақидаги билимларни тўплаш ва улардан фойдаланган ҳолда мустамлака тизимини ўрнатиш, қўллаб-қувватлаш ва халқаро миқёсда легитимлаштириш бўлганлигини, ҳужжатлар мазмунини ёритиб беришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари юзасидан 11 та, жумладан, 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 та республика миқёсидаги журналларда ва 1 та хорижда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 168 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“А.Г. Серебренников архив жамғармасининг тарихи ва манбашунослик таҳлили”** деб номланиб, унда ЎзМА да сақланаётган И-715 жамғармасининг жамланиш тарихи ёритиб берилган, жамғарма таркибидаги ҳужжатларнинг манбавий таснифи ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг тарихий аҳамияти асосланган.

Мазкур бобнинг *“Архив жамғармасининг шаклланиши ва жамланиши тарихи”* деб номланган биринчи бандида архив жамғармасининг жамланишига сабаб бўлган омиллар таҳлил қилинган. XIX асрнинг биринчи ярми – XX аср бошларида Россия ҳукуматининг Туркистонни забт этиш бўйича олиб борган сиёсати ва амалий тадбирларига оид архив ҳужжатлари турли ҳудудларда тарқоқ ҳолатда сақланган. Ўша даврга келиб, Россия империясининг ташқи сиёсатдаги кетма-кет мағлубиятлари сабабли, унинг дунёдаги геосиёсий мавқеи заифлашган ва унинг халқаро обрўсини тиклаш учун тезкор чоралар кўриш талаб этилар эди. Шу мақсадда “арзимас

воситалар билан қандай қилиб улкан натижаларга эришиш мумкинлигининг ёрқин намунаси бўлган ушбу ҳаракатлар имкон қадар кўпроқ ўрганишга лойиқдир ва шу туфайли ўтмиш сабоқлари беҳуда кетмаслиги учун, уларнинг сабоқларига таяниб келажакда ҳар бир ҳолатда тегишли қарор қабул қилиш мумкин бўлади”<sup>21</sup>, деб ҳисоблаган рус ҳарбийлари ташаббуси ва ҳукумат қарори билан Туркистон ўлкасини босиб олиш тарихи бўйича материалларни тўплаш ва нашр этиш мақсади белгилаб берилди.

А.Г. Серебренниковнинг маълумот беришича, бу каби тўпламни йиғиш ва нашр этиш ғояси 1898-1904 йилларда Россия ҳарбий вазири бўлган генерал-адъютант А.Н. Куропаткинга тегишли бўлган. Яратилиши мўлжалланган тўпламнинг даврий чегаралари 1839 йилда В.А. Перовскийнинг Хивага қишки юришидан бошлаб, 1876 йилда Қўқон хонлигини забт этилиши ва Россия империяси таркибига киритилишига қадар белгиланган.

А.Н. Куропаткиндан топшириқ олган Туркистон генерал-губернатори Н.А. Иванов (1901-1904 йй) тўплам учун материалларни йиғиш вазифасини ҳарбий инженер А.Г. Серебренников (1863-1919 йй.) га топширган. Унга қадар муаллифнинг Туркистон ҳақидаги бир неча ишлари чоп этилган эди<sup>22</sup>.

1901-1905 йиллар давомида А.Г. Серебренников Туркистон ҳарбий округи, Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси, Верний уезди ҳарбий бошлиғи бошқармаси ва Верний уезди бошқармаси, Етисув вилояти кўшин штаби, Оренбург ҳарбий округи штаби ва Оренбург алоҳида корпуси, Омскдаги Сибир ҳарбий округи штаби ва алоҳида корпуси, Кавказ округ архивлари жамғармаларини ўрганиб чиққан. Шунингдек, Москва ва айниқса Санкт-Петербург шаҳарларида жуда катта изланишлар олиб борилган. Бу ишда унга поручик Алексеев, Соболев ва штабс – капитан Лебедевлар ёрдам берганлар.

Тўпланган материалларнинг дастлабки тўрт жилди 1908-1913 йилларда Тошкентдаги Туркистон ҳарбий округи типографиясида нашр этилган<sup>23</sup>. Жамғарма ҳужжатларининг нашр этилган дастлабки томлари “ошкор қилиниши мумкин эмас” белгиси остида чиққан.

1914 йилда тўпламга киритилган 1844-1852 йилларга оид ҳужжатлар V-

---

<sup>21</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, VI-варақ. Архивда сақланаётган жамғарманинг фақат 1-йиғмажилдда кириш сўзи бор. Нашр этилган томларнинг барчасида эса мазкур кириш қисми айнан бир хил.

<sup>22</sup> Серебренников А.Г. Очерк строительных материалов Ферганской области и Памира // Инженерный журнал. – СПб., – 1894. – № 9; Ломки соли на Памире // Туркестанские Ведомости. – Ташкент, – 1894. – № 38; Памир и памирские ханства (Военно-географический и топографический очерк) // Инженерный журнал. – СПб., – 1894. – № 11–12; Очерк Шугнана // Военный сборник, – СПб., – 1895, – № 11-12 (Ўша очерк // Сборник географических, топографических и исторических материалов по Азии. Вып. 70. – СПб., – 1896, – С. 30-51); Рекогносцировка Шугнана в 1894 г. // Туркестанские Ведомости. – Ташкент, – 1896. – № 50, 55–56, 58, 61; К истории Кокандского похода // Военный Сборник. – СПб., – 1897. – № 9, – С. 5-55; Ўша жойда. 1901. № 4, – С.7–11; Ўша жойда. – 1904. – № 1, – С. 39-70; – №2, – С. 36-59. (Ўша асар // Новый Маргелан. – 1907); Туркестанские саперы на разработке Памирской дороги. – Разведчик. – 1898. – № 406–408; Очерк Памира // Военный Сборник, – СПб., – 1899. – № 6–11 (Ўша очерк. – СПб, 1900); Памир. Краткий очерк// Ежегодный Ферганской области. Вып.1. – Новый Маргелан, – 1902. – С. 90 – 158; Заведывание передвижением войск // Разведчик. – 1908. – № 918.

<sup>23</sup> Серебренников А.Г. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края, – Ташкент: Тип. штаба Туркестанского военного округа. Т. 1, 2, 3, 4. 1908 – 13 гг.

VIII жилдлар таркибида нашр этилган ва ундан ошкор этишга бўлган чеклов олиб ташланган.

1853 – 1865 йилларни ўз ичига олиши лозим бўлган IX-XVI томлар нашр этилмаган. 1864 – 1866 йилга оид ҳужжатларни жамлаган XVII-XXII томлар 1914 – 1915 йилларда нашр этилган<sup>24</sup>. Ҳаммаси бўлиб 14 та жилд нашр этилган. Нашр этиш 1915 йилда, муаллифнинг таъкидлашича, маблағнинг йўқлиги туфайли тўхтатилган<sup>25</sup>.

А.Г. Серебренников томонидан жамланган ушбу тўпламнинг нашр этилган ва нашр этилмаган барча жилдлари бугунги кунда Ўзбекистон Миллий архивининг 715 – жамғармасида (1- рақамли рўйхат) сақланмоқда. Ушбу жамғарма 74 та йиғмажилд, 82 та саклов бирлигидан иборат, шу жумладан 44 ва 58-рақам остида 2 та йиғмажилд, 26-а, 26-б, 26-в, 39-а, 39-б, 39-в литерлари билан белгиланган йиғмажилдлар мавжуд. 70-74 йиғмажилдлар А.Г. Серебренниковнинг иш режаси, қораламалар, тўплам учун турли архивлардан танлаб олинган ҳужжатлар рўйхатидан иборат. 12 та – 11, 18, 28, 29, 31, 33, 35, 38, 39-в, 40, 51 ва 52 йиғмажилдларга 1986 йилнинг 6 мартдаги №1с далолатномага асосан фойдаланишга чеклов қўйилган<sup>26</sup>.

Ушбу бобнинг иккинчи банди “Тўплам ҳужжатларининг манбашунослик таҳлили” деб номланиб, унда архив ҳужжатлари манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

А.Г. Серебренников томонидан тўпланган, нашр этилган ва нашр этилмаган барча ҳужжатлар қатъий хронологик тартибда (йиллар, ойлар, саналар бўйича) алоҳида жилдларга жамланган бўлиб, санасиз кўчирилган ҳужжатлар эса йиғмажилднинг охирига тикилган<sup>27</sup>.

Ҳужжатлар ёзув машинкасида ва қўлда кўчирилган бўлиб, ёзув машинкасида кўчирилган ҳужжатларда учраган французча иборалар қўлда ёзиб қўйилган<sup>28</sup>. Қўлда кўчирилган ҳужжатларнинг ўзига хос дастхатлари ва киритилган ўзгартиришлар уларни ўқишда қийинчилик туғдиради.

Ўзбекистон Миллий архивидаги А.Г. Серебренников жамғармаси ва “Тўплам” учун материаллар кўчирилган бошқа архив жамғармалари ҳужжатларини ўзаро таққослаш шуни кўрсатадики, улар қисқартирилмасдан, асл ҳолича кўчирилган. Ушбу ҳужжатларнинг барчасида шахсан А.Г. Серебренников томонидан қўйилган маълум белгилар мавжуд.

Тўплам учун материаллар йиғиш чоғида нафақат ҳужжатларнинг ўзи, балки уларга қўйилган топшириқнома (резолүция), илова ва шарҳлардан ҳам нусха олинган. Ҳужжатлардаги бу қўшимчалар ҳам ўзига хос қимматга эга бўлиб, ҳукмрон доираларнинг кўриладиётган масалага муносабатини – эътирозлари, таклиф - мулоҳазаларини, Россия империяси ҳукмрон

<sup>24</sup> Серебренников А.Г. Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания, – Ташкент, Тип. штаба Туркестанского военного округа, Т. 5, 6, 7, 8, 17, 18, 19, 20, 21, 22. 1914– 15 гг.

<sup>25</sup> Ноёб библиографик нашрга айланган ушбу жилдлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланади.

<sup>26</sup> Ўз МА, И.715- жамғарманинг рўйхати.

<sup>27</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 44-йиғмажилд, 482-553-варақлар; 58-йиғмажилд, 584-607; 427-525-варақлар.

<sup>28</sup> Ўз МА, И.715 - жамғарма, 1 рўйхат, 62-йиғмажилд, 280-варақ.

доиралари ҳамда жойлардаги маҳаллий ҳарбий амалдорларнинг Туркистондаги сиёсатга нисбатан турлича нуқтаи назарини аниқлашга имкон беради.

Аммо, баъзи ҳолларда ҳужжатлардаги тарихий жиҳатдан қизиқарли бўлган илова, топшириқнома, белги ва ёзувлар тушириб қолдирилган. А.Г.Серебренников кўпинча Россия элчиликлари ва экспедициялари натижалари, Туркистондаги ҳарбийлар ва амалдорлар ҳисоботларидаги айрим маълумотларни “бу маълумотлар қизиқиш туғдирмайди ва бу ерда келтирилмайди” деган изоҳ билан киритмаган.

Ҳужжатлар турига кўра расмий ёзишмалар, қўмита йиғилишларининг журналлари, Россия ва Туркистон давлатлари ўртасида тузилган шартномалар ва уларнинг лойиҳалари, дипломатик ёзишмалар, ахборотлар, маълумотномалар, ҳарбий ҳаракатлар журналлари, буйруқлар, кўрсатмалар, разведка маълумотлари, ёрликлар, шошилинонома (телеграммалар), ҳисоботлар, маърузалар, расмий мактублар, шахсий мактублардан кўчирмалар ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ушбу тўпладан жой олган ҳужжатларни умумий мазмунига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) ҳарбий; 2) дипломатик; 3) иқтисодий; 4) маъмурий-бошқарув; 5) сиёсий масалаларга оид ҳужжатлар; 6) статистик материаллар; 7) илмий экспедициялар ва рекогносцировка материаллари; 8) турли-туман мазмундаги бошқа ҳужжатлар.

Тўплам ҳужжатларининг таҳлили давомида юқоридаги гуруҳларнинг ҳеч қайси бирига мос келмайдиган ўзига хос ҳужжатлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Улар Россия империясининг Туркистонга тегишли ҳеч бир масалани назардан четда қолдирмаганлиги ва улардан ўз мақсади йўлида фойдаланганлигини кўрсатади.

Тўплам ҳужжатлари орасида чет эл матбуотида чоп этилган Туркистон ва унга қўшни ҳудудларга оид мақолалар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Тўпламда расмий ҳужжатлар билан бир қаторда норасмий хусусиятга эга бўлган Туркистонда фаолият юритаётган савдогарлар ва бошқа кишилар томонидан тўпланган овозалар, миш-мишлар, ҳодисалар баёни<sup>29</sup> ва шахсий мактублар ҳам киритилган<sup>30</sup>.

Ҳужжатларнинг миқдорий таҳлил босқичи Россия империясининг Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларининг турли даврларида унинг мустамлакачилик сиёсатида қайси масалалар энг муҳим ўрин тутганлигини

---

\* Рекогносцировка – (лот. кўздан кечиранман, тадқиқ қиламан) ҳарбий амалиётда қарор қабул қилиш ёки уни аниқлаштириш учун зарур маълумотлар олиш мақсадида шахсан қўмондон ёки штаб офицерлари томонидан рақиб кучи ва ҳудудининг кўздан кечирилиши. Шунингдек, қўшин ҳаракатланиши ва жойлаштирилиши мумкин бўлган ҳудудларни ўрганиш, топографик хариталарни тузатиш ва тўлдириш мақсадида ҳам ўтказилади.

<sup>29</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 20-йиғмажилд, 596-варақ; 22-йиғмажилд, 207, 303-варақлар.

<sup>30</sup> Статс маслаҳатчи Вейнбергнинг шахсий мактубидан кўчирма // Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 62-йиғмажилд, 287-291-варақлар, 308-315, 65-йиғмажилд, 375-376-варақлар; Генерал-майор Мантейфелнинг Олий ҳазратларининг мулозими ген-майор Романовскийга шахсий мактубидан кўчирма // Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 34-йиғмажилд, 101-104-варақлар; Полковник Троцкийнинг Олийҳазратларининг мулозими ген-майор Романовскийга шахсий мактубидан кўчирма// Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 34-йиғмажилд, 177-178 варақлар ва ҳ.к.

аниқлаш имконини берди.

Тўпламдаги материалларнинг эмоционал таҳлилида уларнинг ёзилиш вақти ва шароити, муаллифнинг ғоявий ва сиёсий нуқтаи назари, унинг ижтимоий мавқеи ва шахсий тақдири каби ҳолатларни ҳисобга олиш зарур.

Умуман олганда, ушбу манбаларда асосан Россия империяси сиёсатчилари, ҳарбийлари ва маъмурлари томонидан Туркистон халқларига нисбатан асосан салбий ҳис-ҳаяжонга асосан баҳо берилганлигини кузатиш мумкин.

Иккинчи боб “**А.Г. Серебренников тўпламида Россия империясининг Туркистонга оид сиёсати ва ҳарбий ҳаракатларининг ёритилиши**” деб номланиб, унда ушбу масалага оид ҳужжатларнинг Туркистонга оид сиёсат ва унинг забт этилиши борасида империя ҳукмрон доираларининг нуқтаи назарини кенгроқ тасаввур қилишга ёрдам беришдаги аҳамияти очиб берилган. Ушбу бобнинг “*Тўлам материаллари Россия империяси ҳукуматининг Туркистонга доир сиёсий қарашларини ёритишда муҳим манба*” номли биринчи бандида ушбу масала юзасидан турлича қараш ва муносабатлар таҳлил қилинган.

XIX асрнинг 30 - йиллари охиридан бошлаб Россия империясининг Туркистонга муносабатида янги давр бошланди – қозоқ даштларида сиёсий барқарорликка эришиш, чегарабўйи аҳолиси, шунингдек, Туркистон хонликлари билан қарвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш баҳонасида чегаралар жанубга силжитила бошланди.

Россия империяси ҳукуматини хивалик, қўқонлик ва тошкентликлар томонидан қозоқ қабилалари ерларига уюштирилган босқинлар<sup>31</sup> ҳамда Туркистон ҳукмдорларининг қозоқ қабила бошлиқларини ўз томонига оғдириб олиш учун уларга мактублар юбориб туришгани ташвишга солган<sup>32</sup>.

Россиянинг Туркистондаги сиёсати йўналишини белгилашда иқтисодий омилнинг ўрни жуда салмоқли бўлган. Жумладан, 1836 йилда Туркистондаги Россия савдосини ривожлантириш ва унинг хавфсизлигини таъминлашнинг ягона чораси сифатида Хивани босиб олиш зарурлиги юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилган А.И. Веригин савдо алоқаларини биринчи ўринга қўйган<sup>33</sup>.

Ҳужжатлар таҳлили Россия ҳукумати Туркистон билан савдони ривожлантириш масаласини дипломатик йўл билан ҳам ҳал қилишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Россиянинг Туркистонга юборилаётган элчиликлари олдида асосий вазифалардан бири сифатида улар билан савдони яхши йўлга қўйиш масаласи қўйилган. Вице канцлер К.В. Нессельроденинг 1841 йилнинг 19 феврилида Хивага юборилаётган П.А. Никифоровга берган махфий кўрсатмасида ушбу элчиликнинг бош мақсади Россия савдогарларининг хавфсизлигини таъминлаш эканлиги уқтирилган<sup>34</sup> ва ўз молларига солинадиган бож миқдорини Эрон ва Туркия каби 5% лик божга

<sup>31</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, йж. 15, в. 312 -338.

<sup>32</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, р.1, йж. 16, в. 48-52; йж. 39 б, в. 133-134.

<sup>33</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, р.1, йж. 2, в. 16-29.

<sup>34</sup> Туркестанский край... Т.Ш. – С. 12



тушириш вазифаси қўйилган<sup>35</sup>.

А.Г. Серебренников тўпламидаги архив ҳужжатларида Россия – Буюк Британия рақобатчилигининг икки жиҳати ўз аксини топган: бир томондан, Россия дипломатларини Европанинг мазкур ҳудуддаги ҳарбий ҳаракатларга нисбатан салбий муносабати ташвишга солган бўлса, иккинчи томондан инглизларнинг Афғонистондаги муваффақиятлари, уларнинг Туркистондаги фаол ҳаракатлари Россия империяси ҳукуматини Туркистон борасида бир қарорга келишларини тезлаштиришга омил бўлган.

Айрим тўплам ҳужжатлари Англиянинг Туркия воситачилигида Туркистон давлатларининг ҳарбий иттифоқини тузишга уринишганлигини кўрсатади. 1853 йилда Туркистоннинг турли ҳудудларида Усманийлар империясининг вакиллари пайдо бўлиб, турк султонининг Бухоро, Хива ва Қўқонни Россия империясига ҳужум қилишга ундаган мурожаатномасини олиб келган<sup>36</sup>. Бундан ташқари, архив ҳужжатлари инглизлар ўз жосусларини Қўқон, Хива ва Бухорога тинимсиз юбориб туришганлигини тасдиқлайди<sup>37</sup>.

А.Г. Серебренников тўпламида Буюк Британия-Россия рақобатида инглизлар Афғонистондан фойдаланишганлигини кўрсатувчи ҳужжатлар ҳам кўп учрайди<sup>38</sup>. Инглизларнинг Туркистонга олиб борувчи сув йўлларини эгаллашга интилишни давом эттираётганлиги ва Шарқ мамлакатлари, хусусан, Россия билан қўшни бўлган мамлакатлар савдо бозорларини эгаллашга кўп эътибор бераётганлиги подшо амалдорларини анча хавотига солган<sup>39</sup>.

Юқорида келтирилган ҳужжатларда инглиз рақобатчиларининг фаол ҳаракатлари Россия империясининг ҳукумат доираларида жиддий хавотир уйғотгани ва биринчи даражали иқтисодий омиллар билан биргаликда империянинг Туркистон сиёсатига муҳим аҳамият беришга ундаганлиги ўз аксини топган<sup>40</sup>.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида санаб ўтилган омиллар ҳар доим ҳам Россиянинг Туркистонга нисбатан сиёсатини шакллантиришга бир хил таъсир кўрсатмаган, вазият тақозоси билан империянинг ташқи сиёсати ҳам, у қўллаган усул, восита ва мақсадлар ҳам ўзгариб борган. Россиянинг Туркистонга кириб келишидан то унинг узил-кесил босиб олинишигача бўлган даврда бу ҳудудга нисбатан аниқ белгиланган расмий ҳукумат йўналиши мавжуд бўлмаган. Турли поғонадаги ҳарбий муассасалар фаолияти Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Туркистонга оид сиёсати билан мувофиқлаштириб турилмаган.

1859 йилга келиб Россия ҳукуматнинг баъзи олий амалдорлари, Ташқи ишлар вазирлиги аъзолари, олий ҳарбий амалдорлар орасида Туркистонга нисбатан фаол ҳаракатларни бошлаш фикри шакллаган бўлиб, ушбу фикр

<sup>35</sup> Ўша жойда. – Б. 20.

<sup>36</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 16-йиғмажилд, 31-32-варақлар.

<sup>37</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 16-йиғмажилд, в. 53; йж. 17, 204-205, 206-варақлар; 20-йиғмажилд, 482-варақ; 26 б-йиғмажилд, 159-161-варақлар.

<sup>38</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 17-йиғмажилд, 204-варақ.

<sup>39</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 26 б-йиғмажилд, 172-173-варақлар.

<sup>40</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 25-йиғмажилд, 472-477-варақлар.

тарафдорлари орасида Оренбург генерал-губернатори А.А. Катенин ҳамда унинг вафотидан сўнг генерал-губернатор этиб тайинланган А.П. Безак, Фарбий Сибир генерал-губернатори Г.Х. Госфорд ва ТИВ Осиё департаментининг бўлажак раҳбари Н.П. Игнатьевлар бор эди. Улар ўртасидаги расмий ёзишмаларда Россия ҳукумати томонидан чегара губерниялари генерал-губернаторларига берилган жуда катта ваколатлардан, шу жумладан қўшни давлатлар билан алоқалар олиб бориш ҳуқуқидан фойдаланиб, Туркистон хонликларига нисбатан фаол ҳаракатларни бошлаш фикрини илгари сура бошлаганлиги ифода этилган<sup>41</sup>.

Тўплам ҳужжатларида ҳарбий ҳаракатларни айнан қайси йўналишда бошлаш хусусида узоқ вақтгача аниқ бир тўхтамга келинмаганлиги ҳам ўз аксини топган. Туркистон масаласида ўлкада хизмат қилган ҳарбий амалдорларнинг нуқтаи назари қатъийроқ ва аниқроқ бўлганлигини кўриш мумкин<sup>42</sup>.

Тўплам ҳужжатларида яна бир муҳим масала – Россия империяси ҳукуматининг Туркистондаги фаол ҳарбий ҳаракатларни турли ваҳ ва баҳоналар билан оқлашга, хаспўшлашга уриниши ўз аксини топган. Россия-Туркистон чегарасидаги ҳар қандай ўзгариш Англия ҳукуматининг норозилигини келтириб чиқариши мумкинлигини англаган ҳолда, Россия ҳукумати ўз босқинчилик сиёсатини турли йўллар билан ниқоблашга ҳаракат қилган. Бу масалада империя ҳукумати турли қатламларнинг манфаатларидан ва турли усуллардан фойдаланади.

*“Туркистоннинг босиб олинишига оид материаллар таҳлили”* деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи бандида бевосита ҳарбий ҳаракатларга оид ҳужжатлар кўриб чиқилган. Россиянинг Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларига оид ҳужжатларни ўрганиш жиддий ва қатъий ёндашувни талаб қилади. Чунки бу ҳужжатлар ушбу ҳаракатларни амалга оширишга буйруқ берган ҳукумат тузилмалари вакиллари ва уларни бевосита амалга оширган ҳарбийлар томонидан битилган, шу сабабдан уларда воқелик бир томонлама ёритилган.

А.Г. Серебренников тўпламидаги ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, жойлардаги ҳарбий ҳаракатларга бевосита бошчилик қилган кўмондонлар Россия империяси кўшинларининг ғалабаларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилганлар, рақибнинг майда тўдалари билан тўқнашувларга жиддий тус берилган. Жумладан, 1862 йилда унчалик катта бўлмаган Қўқон қалъаси Дингқўрғоннинг босиб олиниши энг майда тафсилотларигача 10 бетлик маълумотномада баён қилинган<sup>43</sup>.

Тўпламдаги ҳужжатларда Россия кўшинларининг ҳарбий ҳаракатлари Оренбург генерал – губернатори В.А. Перовскийнинг 1939 йилги Хивага юришидан бошлаб ёритилади. Айнан мана шу юришга оид ҳужжатлар таҳлили орқали Россия империясининг Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларга қай тарзда тайёргарлик кўрганлиги, уни қандай асосларда оқлаганлигини

<sup>41</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғмажилд, 500-варақ; 21-йиғмажилд, 87 – 93-варақлар; 25-йиғмажилд, 485-488-варақлар.

<sup>42</sup> Туркестанский край... Т.ХХII. – С. 69-70.

<sup>43</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 26-йиғмажилд, 78-87-варақ.

кўриш мумкин<sup>44</sup>.

Босқинчилик юришларини қандай баҳоналар билан хаспўшлашга уринилмасин, расмий ҳужжатларда империя ҳукуматининг асл мақсадлари акс этган.

Тўплам ҳужжатлари таҳлили кўп ҳолларда ҳарбий ҳаракатларга оид кўрсатмалар маълум мақсадни кўзлаб эмас, айти дамдаги вазият ва айрим доираларнинг ҳамда шахсларнинг мулоҳазаларидан келиб чиқиб берилганлигини кўрсатади.

Россия империясининг Туркистонда бошлаган ҳарбий ҳаракатлари оқибатларини тўплам ҳужжатлари ва маҳаллий манбалардаги маълумотлар билан солиштириш имкони мавжуд. Жумладан, 1864 йилда Авлиётани эгаллаган М.Г. Черняев ҳукумат вакилларига юборган маълумотида ҳужум вақтида ҳалок бўлган маҳаллий аҳоли сонини 307 киши деб кўрсатган. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг “Тарихи жаҳоннамойи” асарида ёзилишича, “...мусулмон аҳолисидан шул урушда бир минг олти юз эркак ва аёл, каттаю-кичик шаҳидлик даражасига лойиқ бўлди”<sup>45</sup>. Бу икки маълумот ўртасидаги катта тафовут Россия амалдорларининг ўз босқинчилик юришларининг салбий оқибатларини камайтириб кўрсатишга уринишганидан далолат беради.

Ҳужжатларда ҳарбий ҳаракатлар чоғида Россия империяси қўшинлари томонидан тинч аҳолига нисбатан амалга оширилган шафқатсизликлар ҳам ўз аксини топган.

Мустамлакачилик кайфияти ва шовинизм акс этган баландпарвоз маълумотлардан ташқари содир бўлаётган воқеаларга холис муносабат акс этган ҳужжатлар ҳам учрайди. Россия империясининг айрим ҳарбийлари маҳаллий аҳолининг кўрсатган қаҳрамонлигига холис баҳо беришган. Бу ўринда Тошкент<sup>46</sup> ва Ургут<sup>47</sup> ҳимояси ҳақида келтирилган маълумотлар диққатга сазовор.

Диссертациянинг учинчи боби “**А.Г. Серебренников тўпламида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларга оид маълумотлар**” деб номланиб, Россиянинг Туркистон билан ўзаро дипломатик ва савдо муносабатларига оид тўплам ҳужжатлари манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Бобнинг биринчи банди “*Туркистоннинг Россия империяси билан дипломатик муносабатларига оид ҳужжатлар*”да Россия империясининг XIX асрда Туркистонга ҳарбий босқини даврида дипломатик муносабатлар тараққиёти, ўзаро муносабатларда савдодаги ҳамкорликдан то мустамлакачиликка қадар рўй берган ўзгаришларни кузатиш мумкин. А.Г. Серебренников тўпламида мавжуд дипломатик ёзишмалар ўрганилаётган даврда бу ўзгаришлар ташқи сиёсий вазият ва кучлар нисбати таъсири остида содир бўлганлигини кўрсатиб беради. Ҳужжатларда Россия империяси хонликлар билан дипломатик муносабатларни шакллантиришда

<sup>44</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 20- 22-варақ.

<sup>45</sup> Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамойи // Шарқ юлдузи. 1991. №8. – Б. 120

<sup>46</sup> Туркестанский край... Т.ХІХ. – С.250.

<sup>47</sup> Ўз МА, И.715-жамғарма, 1-рўйхат, 36-йиғмажилд, 390-391-варақ.

